

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 12/2

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 12/2 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

## **Тахририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал:  
[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Axmedov Oybek Saparbaevich</i> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ ҲОДИСАНИНГ ЎРНИ.....	10-18
<i>Нематова Мафтуна</i> ЛАКУНА И ТИПОЛОГИЯ ЛАКУН .....	19-24
<i>Hamroyeva Shahlo Mirdjonovna, Matyakubova Noila Shakirjonovna</i> MOSLASHTIRISH JARAYONIDA O'ZBEK VA INGLIZ TILIDAGI SODDA GAPLARNING SINTAKTIK TAHLILI.....	25-32
<i>Jo'rayeva Nilufar Sobirjon qizi</i> "SMILE" VA "TABASSUM" TUSHUNCHALARINING LINGVISTIK IFODASI (INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA) .....	33-38
<i>Sidiknazarova Zulfiya Mirsharapovna</i> BADIY TARJIMA TAHLILINING NAZARIY ASOSLARI .....	39-43
<i>Jumanova Shahnoza Ikromjonovna</i> IJTIMOIY – PSIXOLOGIK MOTIVNI ANGLATISHDA PEYZAJNING O'RNI .....	44-50
<i>Achilov Oybek Rustamovich</i> ILGAR SURISH VOSITALARINING BADIY ASAR SARLAVHASIDA TASNIFLANISHI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	51-57
<i>Axmedova Madinabonu Maxmudjonovna</i> XALQ NASRI JANRLARINING O'ZARO MUNOSABATLARI .....	58-62
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i> FRANSUZ KOMPARATIV FRAZELOGIZMLARINING USLUBIY XUSUSIYATLARI .....	63-68
<i>Кенжабоев Шокир Абдулхалимович</i> ОСОБОЕ МЕСТО В ИЗУЧЕНИИ И РАЗВИТИИ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ШКОЛАХ УЗБЕКИСТАНА .....	69-74
<i>Fayziyev Bahodir Baxshullayevich</i> J. K. ROULINGNING "GARRI POTTER VA AFSONAVIY TOSH" ASARIDAGI TO'QIMA NOMLAR VA REALIYALAR HAMDA ULARNING RUS VA O'ZBEK TILLARIGA TARJIMASI .....	75-79
<i>Mamatqulova Shoxsanam Isroil qizi</i> OLAMNING O'ZBEK LISONIY TASVIRIDA "FIDOIYLIK" KATEGORIYASI .....	80-84
<i>Тухтаева Фарида Исматуллаевна</i> ИССЛЕДОВАНИЕ СТЕРЕОТИПОВ РОМАНАХ ПЕРЛ БАК .....	85-90
<i>Radjabova Dildora Raximovna</i> PIRIMQUL QODIROVNING "YULDUZLI TUNLAR" ASARI INGLIZCHA TARJIMASIDA BOBUR PSIXOLOGIYASI .....	91-96
<i>Mansurova Shohista Ismailovna</i> BADIY TARJIMANING MAQSADI, VAZIFALARI VA TARJIMA METODLARI .....	97-102
<i>Ermatov Ixtiyor</i> SIRDARYO VILOYATI TOPONIMLARI.....	103-108

<i>Axmedjanova Farida Djavairovna</i> GRAMMAR INSTRUCTION IN COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING .....	109-114
<i>Saitov Suxrob Djumaydillayevich</i> ARTISTIC INTERPRETATION AND RESOLUTION OF HUMAN TRAGEDIES IN THE STORY .....	115-119
<i>Тўрабоева Ҳакима Усмонжон қизи</i> ФИРДАВСИЙ ДАҲОСИГА МЕҲР .....	120-124
<i>Toshpo'latova Xusniya Matayusub qizi, Normamatov Farrux Komiljon o'g'li</i> INGLIZ REKLAMA SHIORLARI TARJIMASI JARAYONIDA SHAKL VA MA'NO MUVOFIQLIGI .....	125-129
<i>Абдуманнонов Хожиақбар Акмалжон угли</i> ОСВЕЩЕНИЕ ФРАЗЕОЛОГИИ В СВЕТЕ НАУЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ (краткий обзор на примере учебных пособий и словарей узбекского языка).....	130-136
<i>Абдуллаева Раъно Хикматовна</i> РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТА «ДРУГ/ДРУЖБА» В РУССКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ПОСЛОВИЧНОЙ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА .....	137-144
<i>Hamidova Sayyora Nurmatovna</i> TILSHUNOSLIKNI MENTALINGVISTIK BOSQICHIDA KOGNITIV TADQIQOTLAR.....	145-151
<i>Rustamova Dilrabohon</i> ATAMALAR LUG'ATINING UMUMIY VA FARQLI TOMONLARI .....	152-157
<i>Khazratqulova Ozoda Abduganiyevna</i> EXPRESSION OF THE CONCEPT OF FORGIVENESS IN LEXICOGRAPHIC SOURCES AND ARTISTIC LITERATURE .....	158-162
<i>Farmonov Nurbek Pulatovich</i> WEB OF SCIENCE MA'LUMOTLAR TIZIMIDAN FOYDALANISH .....	163-169
<i>Xojjiyeva Oynisa Shabonovna</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDA TURKIY XALQLAR MAQOLLARINING AKS ETISHI .....	170-176
<i>Norqobilov Sanjar Rahmat ugli</i> COMPARING COMPUTATIONAL LINGUISTICS APPROACHES ACROSS LANGUAGES .....	177-182
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i> ANGLIYA UYG'ONISH DAVRI ADABIYOTI .....	183-190
<i>Ho'jamqulov Anvar Jozilovich</i> OMON MUXTOR ROMANLARIDA POETIK USLUB QIRRALARI.....	191-196
<b>12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Аманязова Света Байниязовна</i> ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ И ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	197-203
<i>Мирзаабдуллаева Матлуба Рустамовна</i> СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ВА СУВ ИСТЕЪМОЛЧИСИ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР .....	204-209
<i>Toshkanov Nurbek Bahriddinovich</i> BILIMLAR IQTISODIYOTI VA INTELLEKTUAL MULK: TIJORATLASHTIRISHNING BA'ZI HUQUQIY JIHATLARI VA MUAMMOLARI .....	210-216

*Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li*  
ATOM ENERGIYASINI JOYLASHTIRISHNING XALQARO EKOLOGIK TALABLARI .....217-223

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna*  
OLIY TA'LIM MUASSALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI .....224-228

*Sadullayeva Shahlo Azimbayevna, Parmankulov Farxodjon Nurali o'g'li*  
TYUTORLAR ISH JARAYONIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI  
TATBIQ ETISH METODIKASI .....229-233

*Pirimova Nargiza Adilovna*  
SPORT-TAYYORGARLIK MASHG'ULOTLARIDA BALANDLIKKA SAKROVCHI QIZLARNING  
O'QUV-MASHG'ULOT JARAYONLARINI TAKOMILLASHTIRISH .....234-239

*Tangirqulov Elmurod Aliyarovich*  
BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA ATROF-MUHITNI ASRASH ORQALI EKOLOGIK  
TARBIYA BERISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS  
XUSUSIYATLARI VA "YASHIL MAKON" MODULLARI .....240-244

*Xayrov Rasim Zolimxon o'g'li*  
BO'LAJAK TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHILARINING KASBIY-METODIK TAYYORGARLIGINI  
TAKOMILLASHTIRISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING QO'LLANILISHI .....245-258

*Ahmadjonova Odina Anvarjon qizi*  
ZAMONAVIY TA'LIM MUHITIDA INGLIZ TILI DARSLARIDA STEAM TA'LIM  
TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI: STEAM KOMPETENSIYALAR  
TUSHUNCHASI .....259-265

*Valieva Xolida*  
AJDODLAR MEROSI - INSONIYAT BOYLIGI .....266-271

*Djumayeva Dildora Isroilovna*  
BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA EKOLOGIK MADANIYATNI SHAKLLANTRISHNING  
PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI .....272-277

*Davlatova Nilufar Vosiljonovna*  
TA'LIM-ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASINI KUCHAYTIRISHDA ZAMONAVIY TA'LIMNING  
O'RNI VA MOLIALASHTIRISH MEXANIZMLARI .....278-285

*Mamaraimova Zebo Shafotovna*  
YUQORI SINIF O'QUVCHILARINI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK  
TAMOYILLARI .....286-290

*Turayev Yolqin Sherzod o'g'li*  
KATTA MAKTABGACHA TA'LIM YOSHDAGI BOLALARDA DALILY ASOSLASH KO'NIKMASINI  
SHAKLLANTIRISH YO'LLARI .....291-295

*Abdurasulova Shoira Kushakovna*  
BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENTLILIGINI  
INTEGRATIV YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH .....296-305

*Sottarov Abduvali Umirqulovich*  
UMUMIY FIZIKA KURSINI O'QITISHDA NANOTEXNOLOGIYA FAN VA TEXNIKA SOHASI  
SIFATIDA .....306-310

<i>Xushnazarova Ma'mura Nodirovna</i> VOLONTYORLIK FAOLIYATINIG IJTIMOIIY-PEDAGOGIK MUAMMOLARI .....	311-315
<i>Xushvaqtov Umar Norqobilovich</i> AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB O'QUVCHILARDA IMPERATIV TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETENSIYANING RO'LI .....	316-320
<i>Alimqulova Ra'noxon Gulmirzayevna</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARIDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR .....	321-326
<i>No'monxonova Muattarxon Nosirxon qizi</i> BO'LAJAK TILSHUNOSLARDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARKOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARINING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI .....	327-331
<i>Xalikov Faroxidin</i> TA'LIM TIZIMIDA TESTOLOGİYADAN FOYDALANISHNING NAZARIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH SAMARADORLIGI .....	332-339
<i>Abduvaxidov Xusan Abdukulovich</i> OLIY TA'LIM TALABALARIDA INNOVATSION YONDASHUV ORQALI KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH .....	340-345
<i>Якубова Нафиса Одилжановна</i> ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУССАСАЛАРИДА ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИЖОДИЙ-КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	346-354
<i>Karimov Qayum Mamashayevich</i> TALABALARNI KOMPYUTERLI MATEMATIKA TIZIMLARINING GRAFIK IMKONIYATIDAN FOYDALANISH BO'YICHA BILIMINI OSHIRISH .....	355-360
<i>Yusupova Shoxista Alimjanovna</i> TO'GARAK MASHG'ULOTLARI ORQALI TASVIRIY SAN'AT FANIGA ASOSLANGAN XOLDA O'QUVCHILAR IJODIY QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	361-371
<i>Kasimov Oйбек Омilovich</i> СПОРТДА АХЛОҚИЙ ҚОЙДАЛАР ВА "FAIR PLAY" НОРМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ...	372-378
<i>Abduraxmonov Akbar Abduxamidovich</i> MILLIYLIK VA UMUMINSONIYLIK TAMOIYILLARI UYG'UNLASHUVINING NAZARIY-METODOLOGIK JIHATLARI .....	379-386
<i>Фазлиддинов Шухрат Фахриддинович</i> ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ПРИ ИЗУЧЕНИИ КАТЕГОРИИ РОДА ГЛАГОЛА В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗАХ.....	387-394
<i>Jurayev Bobomurod Ramazonali o'g'li</i> TALABALARNING JISMONIY FAOLLIGINI OSHIRISH VA RIVOJLANTIRISH JARAYONINING SAMARADORLIK DARAJASI .....	395-400
<i>Eshbekova Gulabahor Zafarboyevna</i> МАКТАВГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING YOZISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI .....	401-406

<i>Khidirova Malakhat Qazakhovna</i> ORGANIZATION AND EVALUATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS BASED ON EUTAGOGICAL APPROACHES .....	407-413
<i>Fayzullayeva Madina Abdumo'min qizi, Xolbo'tayeva Moxinur Temurboy qizi</i> MENEJMENT SOHASINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH .....	414-420
<i>Achilov Nuriddin Abdugafforovich</i> AL-HAKIM AT-TERMIZIY TA'LIMOTINING ILMIY TADQIQI .....	421-426
<i>Norinov Muxammadyunus Usibjonovich</i> JAMIYAT TARAQQIYOTIDA BO'LAJAK MUHANDISLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING AHAMIYATI .....	427-432
<i>Begimqulov Zarif Axmadovich</i> JISMONIY TARBIYA YO'RIQCHISINING IJTIMOYIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MALAKA OSHIRISH JARAYONINING AHAMIYATI .....	433-438
<i>Izbosarova Zuxro Anatoliy qizi</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV KO'NIKALARINI RIVOJLANTIRISH SAMARADORLIGI .....	439-443
<i>Jumayev Sirojiddin Zafarovich</i> MOLEKULAR BIOLOGIYADAN OQSILLARNING AMINOKISLOTA TARKIBI VA AMINOKISLOTALARNING TASNIFI MAVZUSINI O'QITISHDA MASALA VA MASHQLARDAN FOYDALANISH .....	444-449
<i>Pulatova Muxabbat Egamberdiyevna</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARIDA INNOVATSION KOMPETENSIYANI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI .....	450-457
<i>Yuldashev Mengali Ziyaduloyevich</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARIDA MUSTAQIL ISHLASH KOMPITENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH .....	458-463

12.00.00– Юридик фанлар

**Мирзаабдуллаева Матлуба Рустамовна**  
Тошкент давлат юридик университети  
Экология ҳуқуқи кафедраси доценти

### **СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ВА СУВ ИСТЕЪМОЛЧИСИ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

**Аннотация.** Мақолада сув қонунчилиги бўйича сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли, сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси тушунчалари ўрганилиб, уларнинг сув муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти ҳуқуқий нуқтаи назардан ёритиб берилган

**Калит сўзлар:** Сув, сув объекти, қонун, сув муносабатлари, сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли, сувдан фойдаланувчи, сув истеъмолчиси.

**Mirzaabdullayeva Matluba Rustamovna**  
Associate Professor,  
Department of Environmental  
Law, Tashkent State University of Law

### **SOME CONSIDERATIONS ABOUT THE LEGAL SIGNIFICANCE OF THE CONCEPTS WATER USER AND WATER CONSUMER**

**Annotation.** The article discusses the concepts of water use, water consumption, water user and water consumer according to water legislation, and also emphasizes their importance in regulating water relations from a legal point of view.

**Key words:** Water, water body, law, water relations, water use, water consumption, water user, water consumer.

**Мирзаабдуллаева Матлуба Рустамовна**  
Доцент кафедры Экологический право  
Ташкентского юридического университета

### **НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ОТНОСИТЕЛЬНО ПРАВОВОГО ЗНАЧЕНИЯ ПОНЯТИЙ ВОДОПОЛЬЗОВАТЕЛЬ И ВОДОПОТРЕБИТЕЛЬ**

**Аннотация.** В статье рассматриваются понятия водопользование, водопотребление, водопользователь и водопотребитель согласно водному законодательству, а также подчеркивается их значение в регулировании водных отношений с правовой точки зрения.

**Ключевые слова:** Вода, водный объект, право, водные отношения, водопользование, водопотребление, водопользователь, водопотребитель.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3I12.2Y2023N32>

Инсон ҳаётида сув беқиёс аҳамият касб этади. Ҳаётнинг ўзи ҳам, борлиқ табиат ва жамият иқтисодий фаолияти ҳам сув ресурсларидан фойдаланиш билан узвий боғлиқ.

Сув табиий ресурс сифатида муҳофаза объекти ҳисобланади. Республикамизда сувга доир муносабатлар “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”[1] ги қонун билан тартибга солинади. Сувни муҳофаза қилиш масалалари кўп жиҳатдан сувдан фойдаланиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Қонунчилигимизда табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидан бири сифатида инсон саломатлиги учун табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш кўрсатилган.[2] Сувларни муҳофаза қилиш тадбирларини бажарилиши сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларнинг мажбурияти ҳисобланади. Шу маънода сув истеъмоли ва сувдан фойдаланиш, сув истеъмолчиси ва сувдан фойдаланувчи тушунчалари илмий-ҳуқуқий ва амалий аҳамият касб этади.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 2<sup>1</sup>-моддасида ушбу тушунчаларга қуйидагича таъриф берилган: **сувдан фойдаланиш** — юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш, **сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш)** — юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланиш. Ўз навбатида қонунчилик субъектларни сувдан фойдаланувчи ва **сув истеъмолчисига ажратмоқда. Юқорида келтириб ўтилган моддага мувофиқ сув истеъмолчиси** — ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи юридик ёки жисмоний шахс, **сувдан фойдаланувчи** — сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади.

**Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, сувдан фойдаланувчи, сув истеъмолчиси тушунчаларига берилган таърифдан англашилади-ки, қонунчи субъектларни** сувга таъсир этиш хусусиятидан келиб чиқиб, яъни сув ресурсларини сув объектидан олмаган ва сув ресурсларини сув объектидан белгиланган тартибда ажратиб олган ҳолда фойдаланишини эътиборга олиб **сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини фарқламоқда. Ўз ўрнида ҳақли савол туғилади. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тушунчаларини** сувга таъсир этиш хусусиятидан келиб чиқиб ажратилиши қандай ҳуқуқий ва амалий аҳамият касб этади? Сув қонунчилигини ўрганиш орқали саволимизга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, коммунал-маиший соҳа, гидроэнергетика корхоналари, бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар сувдан фойдаланувчилар бўлиши мумкин. Сув объектлари сувдан фойдаланувчиларга сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги, ичимлик, даволаш ва маиший эҳтиёжларини, аҳолининг курорт, рекреация ва ўзга эҳтиёжларини, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонунчиликда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилиши қонуннинг 21-моддасида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон [қарори](#) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”[3] ги низомнинг 14-бандида белгиланган. Бу қоидалар сувдан

фойдаланувчилар сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш хизматини кўрсатувчи субъектлар деган хулосага келишимиз учун асос бўлади. Бу фикримизни мустақкамлаш учун қонуннинг 18<sup>1</sup> ва 18<sup>2</sup>-моддаларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги “Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”[4] ги 982-сон қарорига мурожаат қиламиз. Ушбу моддалар ва 982-сон қарори мазмунидан сувдан фойдаланувчи бўлган сув истеъмолчилари уюшмалари фермер хўжаликлари, юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, кластер ташкилотларига ва бошқа сув истеъмолчиларига шартнома асосида сув етказиб бериш хизматини кўрсатиши англашилади. Демак, бири хизмат кўрсатувчи, иккинчиси истеъмолчи бўлган сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий ҳолатида фарқловчи жиҳатлари бўлиши лозим.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасида сув объектидан сув олиш усулига, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этилишига қараб сувдан фойдаланиш сувдан умумий ва махсус фойдаланишга бўлиниши белгиланган. Ушбу моддадаги “сув объектидан сув олиш усулига” жумласи назаримизда сувдан фойдаланиш ва сувдан фойдаланувчи тушунчаларига берилган таърифга зид қўлланилган. Чунки, қонунда сувдан фойдаланиш сув ресурсларини “сув объектидан олмаган ҳолда” амалга оширилиши кўрсатилган. Бу ҳолат “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги низомда “Сув олиш лимитлари сув хўжалиги органлари томонидан сув манбалари (дарёлар, коллектор-дренаж сувлари, шунингдек бошқа ер усти сувлари) бўйича, ҳавза ирригация тизимлари, магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бўйича” белгиланиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сон [қарори](#) билан “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида”[5] низомда “Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари белгиланган тартибда сувни бошқариш (дарвоза ёки сувни очиш ва ёпишни таъминловчи бошқа қурилма) ва ҳисобга олиш (гидропост, «онлайн» режимда ишлайдиган рақамли қурилма) воситалари билан жиҳозланган бўлиши” лозимлиги ҳақидаги қоидаларни белгиланишида ҳам кузатилади. Қонунчиликдаги сувдан фойдаланувчиларнинг “сув олиш” йўли билан сувдан фойдаланишини кўрсатилиши назаримизда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 2<sup>1</sup>-моддасида сувдан фойдаланиш ва сувдан фойдаланувчи тушунчаларига берилган юридик таърифни амалий аҳамияти йўқлигини кўрсатади. Қонунда сувдан фойдаланиш ва сувдан фойдаланувчи тушунчаларига уларнинг амалий ифодасини ёритувчи юридик таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, қонунчиликда сувдан фойдаланиш умумий ва махсус фойдаланишга бўлиниши ва уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан белгиланиши кўрсатилган. Бироқ, ҳозирча рўйхат ишлаб чиқилгани йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 255-сон [қарори](#) билан тасдиқланган “Сувдан

махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг Маъмурий регламенти”[6] да баён этилган сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома олиш жараёнлари билан танишган шахс ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, сув омборлари (гидроузеллар)дан фойдаланиш бошқармалари, ирригация тизими бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар ва сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан махсус фойдаланувчи субъектлар эканлигини тушуниб олиши мумкин. Ушбу Маъмурий регламентга илова қилинган “Саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги мақсадларида сув объектларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати”да кўрсатилган субъектларни қайси бирлари сувдан махсус фойдаланувчи, қайсилари сувни махсус истеъмол қилувчи эканлигини аниқлашни имкони йўқ. Бу эса қонунчиликда сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхатини ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатади.

Сув истеъмоли мақсадли фойдаланилишига кўра ичимлик, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолига ва бошқа турларга бўлинади (Қонуннинг 21<sup>1</sup>-моддаси). Қонунчи сув истеъмоли сув объектдан олинadиган сувнинг миқдорига қараб умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинишини белгиласа-да, бу миқдор умумий сув истеъмоли учун қанча, махсус сув истеъмоли учун қанча бўлиши лозимлигини кўрсатмайди. Фақат, “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги низомнинг 9-бандида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бир суткада 5 куб метргача ҳажмда ер ости сувларини якка тартибда олиш умумий сув истеъмолига кириши белгиланган.

“Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида” низом сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисобини юритиш тартибини белгиласа-да, бу низом ҳам сув истеъмолида умумий ва махсус сув истеъмоли миқдорини белгиламайди. Балки, “Сув етказиб бериш сув истеъмолчисининг сув истеъмолига тайёрлигини эътиборга олган ҳолда сув истеъмоли режасига асосан ажратилган сув олиш лимити доирасида амалга” оширилишини маълум қилади. “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги низомда ҳам “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув олиш лимитлари бунинг учун ваколатли бўлган ташкилотлар томонидан белгиланади ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун мажбурий” ҳисобланиши белгиланган. Қонун ости ҳужжатларидаги ушбу қоидалар бизга “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 21<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмидаги “Сув объектдан олинadиган сувнинг миқдорига қараб сув истеъмоли умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади” жумласи амалий аҳамият касб этмаслиги сабабли чиқариб ташлаш лозим деган фикрни билдиришимиз учун асос ҳисобланади.

Қонуннинг 21-моддасини ўнинчи хат бошисидagi “Оқова сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ҳамда махсус талаблар ва шартларга риоя қилинган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин”

деган қондан баён этилиши бизни сув истеъмоли хусусидаги фикрларимизни давом эттиришга ундайди. Бунинг учун оқинди сув қачон ҳосил бўлади?,-деган саволга жавоб беришга уриниб кўрамиз. Албатта, оқинди сув ҳосил бўлиши учун тоза сув сув объектидан олиниши ва маълум мақсадлар учун ишлатилиши, яъни истемол қилиниши, истеъмолдан қайтган сув оқинди сув сифатида сув объектларига оқизилиши лозим бўлади. Кўришиб турибдики, бу жараён сув истеъмолига хос. Қонунчиликдаги бу ҳолат бизга сув истеъмолини қуйидаги турлари мавжуд деган фикрни беради: **сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш)** — сув объектларига сув қайтарилиши шарти билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда ажратиб олган ҳолда фойдаланиши ёки юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув объектларига сув қайтармасдан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда ажратиб олган ҳолда фойдаланиши.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиси тушунчаларининг ҳуқуқий ва амалий аҳамиятини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 2<sup>1</sup>-моддасида берилган сувдан фойдаланиш ва сувдан фойдаланувчи тушунчаларини қуйидагича баён этиш мақсадга мувофиқ:

**сувдан фойдаланиш** — сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги, ичимлик, даволаш ва маиший эҳтиёжларини, аҳолининг курорт, рекреация ва ўзга эҳтиёжларини, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонунчиликда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда сув етказиб бериш;

**сувдан фойдаланувчи** — сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш хизматини кўрсатувчи субъектлар.

2. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 2<sup>1</sup>-моддасида берилган сув истеъмоли тушунчасини қуйидаги тахрирда тавсия этамиз:

**сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш)** — сув объектларига сув қайтарилиши шарти билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда ажратиб олган ҳолда фойдаланиши ёки юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув объектларига сув қайтармасдан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда ажратиб олган ҳолда фойдаланиши.

3. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 2<sup>1</sup>-моддасида белгиланган сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

4. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 2<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмидаги “Сув объектидан олинган сувнинг миқдорига қараб сув истеъмоли умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади” жумласи амалий аҳамият касб этмаслиги сабабли чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

**Adabiyotlar/Literatura/References:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 555-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0 375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон, 01.12.2021 й., 03/21/733/1112-сон; 04.11.2022 й., 03/22/800/0990-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда;... Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда;.. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон [қарори](#) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги низом. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 155-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2017 й., 09/17/915/0259-сон), 27.12.2017 й., 09/17/1019/0463-сон, 10.10.2018 й., 09/18/813/2027-сон, 13.07.2019 й., 09/19/575/3415-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 23.05.2020 й., 09/20/310/0638-сон, 08.07.2020 й., 09/20/429/1039-сон; 03.04.2021 й., 09/21/174/0279-сон; 12.04.2021 й., 09/21/200/0318-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 28.09.2023 й., 09/23/500/0732-сон.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги “Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 982-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2019 й., 09/19/982/4137-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон, 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон; 28.09.2023 й., 09/23/500/0732-сон.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сон [қарори](#) билан “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида” низом. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2021 й., 09/21/174/0279-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 28.09.2023 й., 09/23/500/0732-сон.
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 255-сон [қарори](#) билан тасдиқланган “Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти”. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.04.2018 й., 09/18/255/1034-сон; 02.07.2019 й., 09/19/548/3362-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 15.01.2020 й., 09/20/24/0053-сон; 28.03.2020 й., 09/20/184/0381-сон; 09.01.2021 й.; 09/21/9/0007-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.11.2021 й., 09/21/694/1075-сон; 27.12.2021 й., 09/21/774/1198-сон; 22.02.2022 й., 09/22/86/0160-сон; 14.07.2022 й., 09/22/385/0643-сон; 29.09.2022 й., 09/22/541/0859-сон.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/2 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).